

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

БАНК ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲАФТАЛИК НАШРИ

№ 32 (1211) 2019 йил 22 август

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

ISSN 2010-6602

@bank_axborotnomasi

Сайтимизга ўтиш учун QR кодини телефонингиз орқали сканер қилинг



ВАЛЮТА БОЗОРИ ЯНАДА ЭРКИНЛАШМОҚДА



Хусусан, 2019 йил 20 августдаги биржа савдоларида сўмнинг АҚШ доллариға нисбатан алмашув курси 9384 сўми ташкил этди. Валюта курсидаги бу ўзгаришлар валюта бозорида мавжуд талаб ва таклифнинг ўзаро нисбатини инobatта олган ҳолда ҳамда курснинг кескин тебранишлари олдини олиш мақсадида ўрнатилган жорий алмашув 0.5 фоизли курс тебраниши бекор қилинди.

(Давоми 2-саҳифада)

Марказий банкнинг жорий йил 9 августдаги хабарида ички валюта бозорида юз бераётган ўзгаришларнинг сабаблари хусусида баён қилинган эди. Сўнгги кунларда эса ички банклараро валюта бозори савдоларида алмашув курси ўзгарувчанлигининг сезиларли ошиши кузатишмоқда.



“ЎЗМИЛЛИЙБАНК” ДАН СЕРҚИРРА ЛОЙИҲАЛАР

Бугунги кунда банклар томонидан ажратиётган сармоялар кўплаб саноат корхоналарининг пайдо бўлишига ва тараққий этишига замин яратмоқда. Худди шундай Тошкент вилояти Зангиота туманида жойлашган “GOLDEN STYLE CERAMICS” масъулияти чекланган жамияти ҳам “Ўзмиллийбанк”нинг хорижий кредит линиялари ҳисобидан ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ниятида.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан оммавий ахборот воситалари учун ташкил этилган пресс-турда батафсил сўз юритилди. Унда журналистлар корхона фаолияти билан яқиндан танишиб, ишлаб чиқариш жараёнини тўлиқ кузатиш имконига эга бўлдилар.

«GOLDEN STYLE CERAMICS» масъулияти чекланган жамияти 2016 йилда ташкил этилиб, айни дамда корхонада 25 нафардан зиёд ишчи маҳаллий хомашёдан Италия технологияси асосида 20 турдан ортиқ сантехника маҳсулотларини ишлаб чиқармоқда.

– Ўтган йиллар давомида асосий эътиборимизни даромадга эмас, балки, сифатли ва арзон маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратдик, – дейди корхона раҳбари Нурилло Маҳмудов. – Чунки бугунги ички бозоримизнинг талаби шундай. Бозордаги тажрибали маҳаллий тадбиркорлар ва хорижий ишлаб чиқарувчилар билан тенга-тенг рақобат қилиш осон кечгани йўқ. Аммо бир неча йиллик тинимсиз саъй-ҳаракатларимиз ўз самарасини берди. Шу кунларда маҳсулотларимизнинг бозори чаққон. Шу боис, асосан буюртмага ишляпмиз.

(Давоми 3-саҳифада)

UZCARD ҲАМКОРЛАРИНИНГ СОНИ ОРТДИ

Uzcard Ягона Умумреспублика Процессинг Марказига Tenge Bank қўшилди, деб хабар қилинди ЯУПМ сайтида.



Tenge Bank Қозоғистон Халқ банкининг (Halyk Bank) шуъба банки ҳисобланади. Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган хорижий капитал иштирокидаги олтинчи ҳамда Қозоғистон капитали иштирокидаги биринчи банк ҳисобланади.

Эслатиб ўтамыз, ЯУПМ провайдер функцияларини бажариб, эквайринг хизматлари, яъни АТМ-қурилмалар, тўлов тизимлари ёрдамида POS-и EPOS-терминаллари, интернет-дўконлар ва автоматлаштирилган банк тизимида банк хизматлари орқали амалга ошириладиган электрон тўловларни амалга оширади.

Айни пайтда Марказ Ўзбекистоннинг 30 та банкига хизмат кўрсатмоқда.

finance.uz

ТАДБИРКОРГА МАНФААТЛИ МУЛОҚОТЛАР

Шу кунларда “Траст-банк” хусусий акциядорлик банки Бошқаруви раиси томонидан тасдиқланган сайёр қабуллар ўтказиш режасига асосан, Фарғона, Наманган ва Қашқадарё вилоятлари тадбиркорлик субъектлари вакиллари билан Банк Бошқаруви раиси ва унинг ўринбосарлари очик мулоқотлар ўтказди.

Ана шундай жонли учрашувларнинг бири “Трастбанк” хусусий акциядорлик банкининг Андижон филиалида бўлиб ўтди. Унда банк Бошқаруви раиси Сардор Нормухамедов турли соҳа ва йўналишларда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари вакиллари, экспортёр корхоналар раҳбарлари, янги бизнес лойиҳа ва режалар устида изланаётган ташаббускор ёш тадбиркорлар билан учрашди.



Дастлаб Банк Бошқаруви раиси экспорт қилувчи корхоналар фаолиятини банк томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш, уларнинг механизмлари, экспортни ташкил қилиш ва илгари суриш, экспорт-олди кредитлар, шу жумладан, ай-

ланма маблағларни тўлдириш учун бериладиган кредитлар бўйича банк томонидан жорий этилган янги банк хизмат турлари ҳақидаги фикрларини билдирди.

(Давоми 5-саҳифада)



ҲИСОБОТЛАР ҲАҚҚОНИЙМИ?

→ 4



МУАММОЛАР ЕЧИМИ ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТДА

→ 7



БОЛАЛАР УЧУН ЎЗИГА ХОС САЁҲАТ

→ 12

ВАЛЮТА БОЗОРИ ЯНАДА ЭРКИНЛАШМОҚДА

(Бошланиши 1-саҳифада)

Шу билан бирга валюта бозорини янада эркинлаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш доирасида жорий йилнинг 20 августдан бошлаб тижорат банклари томонидан нақд хорижий валютани сотиш йўлга қўйилди.

Бу ҳақда жорий йилнинг 20 августда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда Молия вазирлиги томонидан оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ички валюта бозоридаги жорий ҳолат ва алмашув курси динамикасига боғлиқ масалаларни тушунтиришга бағишланган матбуот анжуманида сўз юритилди.

Марказий банк раиси тадбирда ички банклараро валюта бозори савдоларида алмашув курси ўзгарувчанлигининг ортиши кузатилаётгани ҳақида сўз юритиб, "Биз глобал иқтисодийнинг бир бўлагимиз. Ундаги бўлаётган ҳар қандай ўзгаришлар мамлакатимизга ҳам ўз таъсирини ўтказди. Айни кунда валюта бозоридаги курс ўзгаришининг асосий сабабларидан бири ҳам ички талабнинг ошиши ҳамда ташқи омиллар таъсирида юзага келмоқда", дея таъкидлади.

Қайд этилишича, сўнгги ойлarda айирбошлаш курси динамикаси куйидаги омиллар таъсирида шаклланди.

Биринчидан, жаҳон иқтисодиётидаги хатарларнинг ортиши ва ташқи савдо муносабатларида ўзаро келишмовчиликларнинг кескинлашуви АҚШ, Хитой, Еврохудуд ва бошқа мамлакатларда иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайишига олиб келди.

Бундан, кўплаб мамлакатлар, жумладан, Ўзбекистоннинг асосий савдо шериклари бўлган давлатлар молия бозорларида мазкур ўзгаришлар миллий валюта курси ўзгарувчанлиги ва кадрсизланишининг кучайишига сабаб бўлмоқда. Ушбу мамлакатлардаги миллий валюталарнинг кадрсизланиши даражаси инфляция даражасидан юқорироқ бўлиб, бу ўз навбатида, сўм қадрининг реал маънода ошишига олиб келмоқда.



Иккинчидан, юқоридаги омиллар иқтисодиётдаги инвестицион ва кредитлаш фаоллигининг ошиши билан бир қаторда экспорт "нархининг кўтарилиши" ва импорт жозибдорлигининг ошиши кўринишида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ташқи ва ички бозорларда нарх рақобатбардошлигининг пасайишига сабаб бўлмоқда. Натижада, сўнгги йилларда ички валюта бозорида талабнинг барқарор ўсиши кузатилмоқда.

Келгусида Марказий банк Жаҳон иқтисодиётининг жорий ривожланиш тенденцияси шароитида валюта курси шаклланишига ташқи омиллар таъсирининг кучайиш эҳтимоли мавжудлигини инобатга олади. Шу билан бирга, Марказий банк ички валюта бозоридаги вазиятни диққат билан кузатишда давом этади ҳамда ташқи омиллар таъсирини камайтириш ва асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар мувозанатини таъминлаш мақсадида бозор механизмларидан фойдаланади.

Хусусан, Молия вазирлиги билан биргаликда экспансион кредитлаш ва фискал сиёсатини чеклаш орқали инфляция ва валюта курсига қўшимча босимни пасайтириш бўйича чоралар кўриб борилади.

Шунингдек, Мамаризо Нурмуратов анжуман давомида инфляцияни тўхтатиш ҳақида ҳам сўз юритди. Унинг қайд этишича, нархларни пасайтиришнинг ягона йўли

– соф рақобат ва инвестицион эркинликка шароит яратишдир. Яъни қачонки, ички ва ташқи бозорда рақобат кучайса, инфляцион жараёнларни ижобийлаштириш мумкин.

Шу ўринда кейинги пайтда юртимизда бозорларни эркинлаштириш ва соф рақобат муҳитини шакллантириш борасида улкан ишлар қилинаётганини алоҳида қайд этиш даркор.

Шунингдек, тадбир давомида кейинги пайтда оммавий ахборот воситаларида ҳамда аҳоли ўртасида импортнинг ўсиши кўп муҳокамаларга сабаб бўлаётгани ҳақида ҳам сўз юритилди. Марказий банк раисининг келтиришича, импортнинг ўсиши иқтисодий эркинликка интилаётган давлат учун табиий жараён. Бу ўз навбатида, мамлакатнинг иқтисодий ўсишига ҳам таъсир этади. Агар биз юртимизга кириб келаётган товарларни таҳлил қилганимизда импорт ўсишига таъсир қилувчи бир қанча омиллар борлигини кўрамиз. Жумладан, сўнгги икки йилда олиб қилинган товарларнинг аксари яъни машина, асбоб-ускуналардир. Яъни кўплаб ишлаб чиқариш корхоналари, саноат зоналарига замонавий ускуналар келтирилган. Бу эса ўз навбатида, иқтисодиётимизнинг ўсишига ҳам замин яратаётганини унутмаслик керак, дея қайд этди М.Нурмуратов.

Анжуман сўнггида Марказий банк раиси журналистларнинг барча саволларига батафсил жавоб берди. Жумладан, шу кунларда ижтимоий тармоқларда деноминацияга оид миш-мишлар тарқалаётганига ҳам тўхтади.

– Деноминацияга қилиш режамизда ҳам йўқ. Қолаверса, бу — оддий жараён эмас. Шунчаки учта нолни олиб ташлаш билан иш битмайди. Бунга аввало, барқарор иқтисодиётни шакллантириш, узоқ вақт иқтисодий тайёргарлик зарур. Айни дамда эса биз учун буни амалга оширишга ҳеч қандай эҳтиёж ҳам сабаб ҳам йўқ, – деди Марказий банк раҳбари.

Шунингдек, М.Нурмуратов айни дамда имтиёзли кредитлар ажратиш масаласи кўриб чиқилаётгани ҳамда бу борада келгуси йил бир қанча янгилıklar бўлиши мумкинлигини маълум қилди.

Бобур МУҲАММАДИЕВ

СТАТИСТИКА

Ташқи савдо республика-миз иқтисодий фаолиятининг асосий қисми бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу соҳада давом эттирилаётган ислохотлар маҳаллий ва халқаро бозорларни маҳсулот ва хизматлар билан таъминлаш имконини бермоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятда ўз овозига эга бўлиб нуфузли халқаро ташкилотлар аъзоси ҳисобланади. Дунёнинг етакчи саноати ривожланган давлатлар билан сиёсий-дипломатик, савдо-иқтисодий ва маданий алоқалар ўрнатилмоқда.

ТАШҚИ САВДО АЙЛАНМАСИДА ЭКСПОРТНИНГ УЛУШИ ОРТДИ

Бошқа давлатлар билан эришилган савдо муносабатлари республикамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот экспортини оширишга, ўз навбатида уни дунёнинг ривожланган давлатлар қаторига қўшилиш имкониятини бермоқда.

Давлат статистика қўмитасининг маълум қилишича, ушбу йўналишда амалга оширилган ислохотлар натижасида 2019 йилнинг январ-июль ойларида республиканинг ташқи савдо айланмаси ҳажми 24 526,8 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, 6 834,0 млн. АҚШ долларга ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 38,6 %га ошган. Ушбу рақамдан экспорт ҳажми 10 880,2 млн. АҚШ долларга (ўсиш суръати – 44,5 %) ва импорт ҳажми эса 13 646,6 млн. АҚШ долларга (ўсиш суръати – 34,3 %) етди. Ҳисобот даврида 2 766,4 млн. АҚШ доллар қийматида пассив ташқи савдо айланмаси қайд этилди.

Ўзбекистон жаҳоннинг 167 дан ортиқ мамлакатлари билан савдо алоқаларини амалга ошириб келмоқда. Унинг ташқи савдо айланмаси дунё давлатлари қаторида нисбатан салмоқли ҳиссаси Хитойда (18,5%), Россия Федерациясида (14,6%), Қозоғистонда (8,1%), Корея Республикасида (6,5%), Туркияда (5,7%), Германияда (2,2%) ва Қирғизистонда (2,1%) қайд этилган.

Ташқи савдо айланмаси таҳлили ўсишни кўрсатиб, 2019 йил январ-июль ойларида 24 526,8 млн. АҚШ долларини ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 6 834,0 млн. АҚШ доллар қийматга ошган.

Ташқи савдо айланмасининг таркибий динамикасида ижобий силжишлар кузатилмоқда. Ўтган йилнинг мос даври билан солиштирганда ташқи савдо айланмасида экспортнинг улуши 1,8 фоизга ортган.

finance.uz



“ЎЗМИЛЛИЙБАНК” ДАН СЕРҚИРРА ЛОЙИХАЛАР



(Бошланиши 1-саҳифада)

Бундан руҳланиб, эндиликда, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ниятидамиз. Бунинг учун “Ўзмиллийбанк”нинг Мирзо Ғуббек филиали томонидан 695 000 АҚШ долларлик банк кредити жалб қилиниб, ушбу маблағ ҳисобига Хитой давлати-

дан 5 та жамланмада асбобу-скуна олиб келинмоқда. Мазкур линияни ҳам фойдаланишга топширсак яна 25 та янги иш ўрни яратилиб, ишлаб чиқариш ҳажми ҳам бир неча баробар ортади. Бу эса ўз-ўзидан экспорт қилиш имконини беради.

Пресс-тур давомида оммавий ахборот воситалари вакиллари

“Ўзмиллийбанк”нинг Чилонзор туманида жойлашган “Саёҳат” номли аҳолига хизмат кўрсатиш марказида бўлишиб, марказ фаолияти билан яқиндан танишди.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда “Ўзмиллийбанк” томонидан пойтахт аҳолисига қулайлик яратиш мақсадида ана шундай марказларнинг олтитаси ишга туширилди. Шулардан бири кунига 60-70 нафар мижоз қабул қилишга мўлжалланган “Саёҳат” аҳолига хизмат кўрсатиш марказидир.

Айни дамда марказда барча банк хизматлари кўрсатилмоқда. Жумладан, омонатларни қабул қилиш, валюта айирбoshi-лаш банкомати, халқаро пул ўтказмалари, жисмоний шахсларни кредитлаш, юридик мижозларга хизмат кўрсатиш, пластик карточкалар эмиссияси ва терминаллар ажратиш, турли хил коммунал тўловлар қабул қилиш, хорижий валюта-



даги пластик карточкалар очиш кабилардир.

Пресс-тур сўнггида журналистлар пойтахтимиздаги “Ёшлик” спортсоғломлаштириш мажмуасида ҳам бўлишди. Қайд этиш жоизки, мазкур мажмуа “Ўзмиллийбанк” тасаруфидоғидаги тизим ташкилотларидан бири бўлиб, у 1999 йили барпо этилган.


Унда спортга қизиқув-

чилар учун барча шароитлар яратилган. Булар орасида сув ҳавзалари, мини футбол майдонлари, теннис корти, катта стадиони, югуриш йўлаклари, тренажёр зали, каратэ, бадий гимнастика, шейпинг, кураш, шахмат каби турли спорт тўғараклари ва майдонлари аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

Рустам ПЎЛТАВ

БИЛИМЛАР БЕЛЛАШУВИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

“Ўзмиллийбанк” ёш кадрларнинг ҳар томонлама камол топиши учун уларнинг бўш вақтларини сермазмун ўтказиш орқали, етук банк мутахассиси ҳамда юртининг ватанпарвар ўғил-қизи бўлиб етишишларига имкониятлар яратмоқда. Банк қошида 2017 йил июлда ташкил этилган Ёшлар кенгаши томонидан ўтказилаётган тадбирлар бунга мисол бўла олади.



“Ўзмиллийбанк” Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилотининг саъй-ҳаракатлари туфайли қатор интеллектуал тадбирлар ўтказилмоқда. Жорий йилнинг май ойидан бошлаб банк тизимида иқтидорли кадрлар танловининг замонавий тизимини ишлаб чиқиш, сифатли кадрлар захирасини шакллантириш, шунингдек, ходимлар фаолияти самардорлигини ошириш мақсадида “Ўзмиллийбанк Интеллектуал Лига”си ташкил этилди. Ушбу интеллектуал танлов банк филиаллари орасида ёш ходимлардан ташкил топган гуруҳлар ўртасида ҳар ойда бир маротаба ўтказилмоқда.

Турнирда иштирокчилар ўзларининг иқтисодий билимларини синовдан ўтказиб, банк, молия, иқтисод, солиқ, пул-кредит, валюта операциялари каби мавзуларда ўзаро беллашмоқда. Ақл жанглирида банк ходимлари ўзларининг касбий маҳоратларини намойиш қилиб, тенкурларининг ҳам билимларини ўзлаштирамоқдалар. Баҳс-мунозараларга бой ақлий мусобақалар ёш кадрларга яна бир синов бўлиб, билимларини чарчашга кўмак бермоқда.

Мазкур турнирдан кўзланган асосий мақсад ходимларнинг интеллектуал ва касбий салоҳиятини намойён қилиш учун шароитлар яра-

тиш, мантиқий фикрлашни ривожлантириш, жамоа билан ишлаш маҳоратини оширишдан иборатдир.

Мазкур мусобақанинг июнь-июль ойларидаги навбатдаги тур ўйинлари бўлиб ўтди. Интеллектуал беллашувада 45 та ёш ходим иштирок этиб, улар ичидан Даврон Абдурахмонов, Ақром Авезовлар энг юқори кўрсаткичларни қўлга киритишди. Турнир жорий йил якунига қадар давом этади.

“Ўзмиллийбанк” ҳар доим ходимларининг чет тилларини ўрганишини қўллаб-қувватлайди. Банк тизимида “English conversation” (“Инглиз тилида суҳбатлашамиз”) танловининг ўтказилиши бунга ёрқин мисолдир.


Таъкидлаш жоизки, банк ходимининг инглиз тилини яхши ўзлаштириши унга қатор имкониятлар эшигини очади. Аввало, ходим чет эллик мижозларга юқори сифатли хизмат кўрсатиши, инг-

лиз тилидаги банк ва молия йўналишидаги адабиётларни ўқий олиши ҳамда кадрлар рақобатбардошлигида қатор ижобий кўрсаткичларга эриши мумкин. Банк ходимларининг бу каби ҳислатларга эга бўлишини таъминлаш мақсадида шу йилнинг август ойида мазкур танловга старт берилди.

Танлов самарадорлиги ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида “English conversation” лойиҳаси учун махсус телеграм-бот (@НБУ_тест_бот) ишлаб чиқилди. Турли хил тестларни ечишга бўлган қизиқиш ёшларни чет тилларини янада мукамал ўрганишига туртки бўлмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, банк томонидан бундай билим беллашувларининг ташкил этилиши ходимларнинг дунёқараши кенгайиши ҳамда билимларини юксалиши баробарида банк тизими салоҳиятининг ўсишига ҳам хизмат қилади.

Умид ВАЛИЕВ,
ТИФ Миллий банк Бошқарув
Раисининг Ёшлар масалалари
бўйича маслаҳатчиси.



Маълумки, адлия органларига давлат органлари ва ташкилотлари томонидан қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси ташкиллаштирилишининг мониторинги ва таҳлилини олиб бориш вазифаси юклатилган бўлиб, бугунги кунда ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига имкон берувчи салбий омиллар, сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича амалий чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

ҲИСОБОТЛАР ҲАҚҚОНИЙМИ?

Яқинда Каттақўрғон туман адлия бўлими масъуллари томонидан аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим ўрин тутадиган тумандаги ташкилотларда бўш иш ўринлари юзасидан ваколатли органларга берилган ҳисоботларнинг ҳаққонийлиги амалиёти таҳлил қилинди.

Бу ҳақда Самарқанд вилоят ҳокимлиги расмий веб-сайтида маълум қилинган.

Туман Бандликка кўмаклашиш марказига бўш иш ўринлари бўйича тақдим этилган ҳисоботлар сўров ўтказиш йўли билан, таҳлил қилинганида, Каттақўрғон туманидаги 30-сон болалар мусиқа ва санъат мактаби 2019 йил 7 июнь ҳолатига бўш иш ўринлари йўқ, деган ҳисобот тақдим этган. Ваҳоланки, мазкур 30-сон болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчи ҳамда концертмейстерларнинг тарификациясида торли чоғулар ва гитара фани ўқитувчиси иш ўринлари вакантligи кўрсатилган.

Худди шундай қонунбузилишга Каттақўрғон туманидаги 15-сон болалар мусиқа ва санъат мактабида ҳам йўл қўйилганлиги аниқланди. Мактаб томонидан туман Бандликка кўмаклашиш марказига 2019 йил 5 июлда тақдим этилган ҳисоботда 1,5 ставка бўш иш ўринлари мавжудлиги ҳақида нотўғри маълумот берилган. Текшириш давомида мактабда ҳақиқатда 2,5 штат бирлигида бўш иш ўринлари мавжудлиги аниқланган.

Ҳар иккала ҳолатда ҳам мактабнинг мансабдор ходимлари билиб туриб белгиланган талабни бузишган. Шу сабабли 30-сон болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Н.Абдуллаева ва 15-сон болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Ш.Бабаевага нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 229-моддасида белгиланган талабларни (бўш иш жойлари (бўш лавозимлар)ни яшириш, шунингдек ҳар бир ходим бўшатиб олиниши кутилаётганлиги тўғрисидаги маълумотларни ўз вақтида бермаслик, иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармасига ажратмаларни тўлашдан бўйин товлаш) бузганлиги сабабли, уларнинг ҳар бирига нисбатан 608 минг 190 сўм миқдорда маъмурий жарима қўлланилди. Ушбу масъулларга шундай ҳолат қайта тақдорланган тақдирда, уларга нисбатан янада кескин чоралар кўрилиши тушунтирилган.

ИШЛАМАЙДИГАН ФУҚАРОГА ИШ ҲАҚИ ҲУДУД “ИШЛАМАГАН ТИШЛАЙДИ”МИ?!

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати департаменти ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида олиб борилган назорат тадбирлари натижасида айрим бюджет муассасалари томонидан бюджет маблағларини сарфланишида тизимли равишда қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги расмий сайтыда маълум қилинган.

Жумладан, маълумотда келтирилишича, Халқ таълими вазирлиги тизимидаги умумтаълим мактабларида ҳақиқатда ишга келмаган ва хизмат вазифасини бажармаган ходимларга ёки умуман ишламайдиган фуқаролар номига иш ҳақи ҳисобланиши ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини, шунингдек, меҳнат таътили, мукофот ва моддий ёрдам маблағларининг асоссиз ҳисобланиши ва тўланиши натижасида бюджет маблағларини ноқонуний сарфланишига йўл қўйилган.

Жумладан, Жиззах шаҳар 22-сонли умумтаълим мактабида ҳақиқатда ишламайдиган 11 нафар фуқаролар номига ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини, шунингдек, меҳнат таътили, мукофот ва моддий ёрдам маблағларининг асоссиз ҳисобланиши ва тўланиши оқибатида 448,2 млн. сўм бюджет маблағлари асоссиз сарфлаб юборилган.

Ҳақиқатда ишламаган фуқароларга иш ҳақи ҳисоблаш йўли билан Бўз туманидаги 5-сонли умумтаълим мактабида 99,3 млн. сўм, Жарқўрғон туманидаги 4-сонли умумтаълим мактабида 65,3 млн. сўм бюджет маблағлари ўзлаштирилган.

Кегайли туманидаги 1-сон умумтаълим мактабида 54,7 млн. сўм ва Бухоро шаҳридаги 1-сон умумтаълим мактабида 31,2 млн. сўм миқдоридида бюджет маблағлари ҳақиқатда ишга келмаган ва хизмат вазифасини бажармаган ходимларга иш ҳақи ҳисобланиши оқибатида асоссиз равишда сарфланган.

Шунингдек, Шўрчи туманидаги 10-сон умумтаълим мактабида ходимларнинг пластик карточкаларга асоссиз маблағ ўтказиш йўли билан 36,1 млн. сўмлик бюджет маблағлари ноқонуний ўзлаштирилган.

Энг ачинарлиси, Яшнобод туманидаги Кўзи ожизлар махсус мактаб интернатида бош ҳисобчи тасдиқланган штатлар жадвалидаги ўзининг ойлик лавозим маошига ортиқча иш ҳақи қўшиб ёзиши натижасида бюджетдан 77,6



млн. сўм асоссиз ортиқча тўлаб юборилган.

Булардан ташқари, Бағдод туманидаги 50-сонли умумтаълим мактабида пудратчи “Фарғона сайқал сервис” хусусий корхонаси томонидан “Обод қишлоқ” дастури доирасида бажарилган таъмирлаш ишлари жойида назорат ўлчовидан ўтказилиб, молиялаштириш учун тақдим этилган ҳисоб, фактура маълумотлари билан ҳақиқатда бажарилган ишлар солиштирилганда 129,9 млн. сўмлик бажарилмаган иш ҳажмлари қўшиб ёзилганлиги маълум бўлди.

Мактабгача таълим вазирлиги тизимидаги Шароф Рашидов туманидаги 9-сон мактабгача таълим муассасасида ҳақиқатда ишламаган 31 нафар фуқароларга иш ҳақи ҳисоблаш йўли билан 955,5 млн. сўм миқдоридида бюджет маблағлари ўзлаштирилишига йўл қўйилган.

Шунингдек, Бухоро шаҳар 46-сон мактабгача таълим муассасасида ҳақиқатда ишга келмаган ва хизмат вазифасини бажармаган 8 нафар ходимларга 88,4 млн.сўмлик иш ҳақи тўловлари ортиқча ҳисобланиб, асоссиз тўлаб юборилган.

Уйчи туманидаги 11-сонли мактабгача таълим муассасаси мудираси томонидан 23 нафар ходимга 21,5 млн. сўм аванс пуллари ёзилиб, ушбу маблағ ходимларга тарқатилмасдан ўзлаштирилган.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги Сирдарё вилоят Кўп тармоқли тиббиёт марказида бош ҳисобчи ва ғазначи томонидан пуллик хизмат ҳисобидан қирим қилинган 231,5 млн.сўм нақд пул маблағларини тўлов қайдномаларни қалбакилаштириш йўли билан ўзлаштириб юборилган.

Тошкент тумани тиббиёт бирлашмасида аванс тўловларини иш ҳақидан ушламаслик, ортиқча муқофот пулларининг ҳисобланиши ва шифокорлар томонидан бажарилмаган иш учун иш ҳақи ҳисобланиши натижасида 148,2 млн.сўм бюджет маблағи асоссиз сарфланган.

Кўқон шаҳар Тиббиёт бирлашмасида ходимларга иш ҳақи, меҳнат таътили ва бошқа турдаги иш ҳақига тенглаштирилган тўловларини штатлар жад-

вали ва тарификация рўйхатида кўрсатилган миқдорларга нисбатан ортиқча ва амалда ишламаган кунлари учун ҳисоб-китобларни нотўғри амалга оширилиши натижасида 119,8 млн.сўм ортиқча тўловларга йўл қўйилган.

Буни қарангки, Миробод туман тиббиёт бирлашмасида бош ҳисобчи томонидан бирлашмада ишламаган ёки ўтган йилларда ишдан бўшаб кетган 4 нафар ходимларга иш ҳақи ҳисобланиб, уларнинг номига очилган банк пластик карточкаларига ўтказиш йўли билан жами 87,1 млн.сўм тўлаб юборилган.

Учқўрғон туман Давлат санитария эпидемиология назорат маркази томонидан бюджет муассасаларида ишловчи ходимларга кўрсатилган 75,6 млн. сўм миқдоридида пуллик хизмат ҳақлари муассаса ҳисоб-рақамига қирим қилинмаган.

Яна Фарғона шаҳар Давлат санитария эпидемиология назорат марказида бирламчи ҳужжатларни ўзгартириш йўли билан 29 млн. сўм нақд пул маблағлари қирим қилмасдан бошқа мақсадларга сарфлаб юборилган.

Туман (шаҳар) Ободонлаштириш бошқармаларида ўтказилган назорат тадбирларида бюджет маблағларини асоссиз ўзлаштириш, ноқонуний сарфлаш, товар моддий қийматликлар камомадига йўл қўйиш, бажарилмаган ишларни қўшиб ёзиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди, жумладан:

Каттақўрғон туман Ободонлаштириш бошқармаси бош ҳисобчиси томонидан 373,5 млн.сўм бюджет маблағини ўзининг ва икки нафар қабристон назоратчиларининг пластик карточкасига асоссиз ўтказиб юборилган.

Нуратон шаҳар Ободонлаштириш бошқармасида 297,3 млн. сўмлик асосий воситалар ва товар моддий бойликлар камомадига йўл қўйилган.

Нишон тумани ҳокимлиги Ободонлаштириш бошқармасига қарашли “Юксалиш МФЙ” ҳудудидаги чиқинди жойлаштириш полигони атрофини ўраш ишлари лойиҳа смета ҳужжатлари асосида амалга оширилмаганлиги ва якунига етказилмаганлиги оқибатида 88,4 млн. сўмлик бажарилмаган ишлар қўшиб ёзилган.

Урганч туман ободонлаштириш бошқармасида штат бирликлари разрядлари юқори белгиланиши, ишчи ходимларга иш ҳақлари асоссиз ортиқча ҳисобланиши, моддий ёрдам пулларининг ортиқча тайинланиши оқибатида жами 51,1 млн.сўмлик бюджет маблағлари ортиқча сарфланган бўлса, “Асосий воситаларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисида низо” талабларига риоя қилинмасдан 2018 йилда харид қилинган 37,4 млн. сўмлик асосий воситалар ҳисобдан чиқариб юборилган.

Янгийер шаҳар ободонлаштириш бошқармасида амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя қилинмасдан ишчи ходимларга устама тайинланиши натижасида 37,3 млн. сўм устама пуллари ортиқча тўланган.

ТАДБИРКОРГА МАНФААТЛИ МУЛОҚОТЛАР



(Бошланиши 1-саҳифада)

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 20 декабрдаги “Экспортга кўмаклашиш ва уни рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу йўналишдаги ишларни янада такомиллаштиришда муҳим дастурил-амал бўлмоқда.

Мулоқот чоғида Бошқарув раиси тадбиркорлар диққатини давлатимиз раҳбари раҳнамолигида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини ошириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва ишлаб

чиқаришни маҳаллийлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳамда вилоятда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш борасида банк томонидан яратилган қулай шарт-шароитлар, қолаверса соҳада учраётган бошқа долзарб масалаларга қаратди.

– Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил иқтисодий ислохотлар жараёнида маҳаллий ва хорижий сармояларни жалб этиш орқали ишлаб чиқаришни кенгайтириш, корхоналар экспорт салоҳиятини ошириш, янги иш ўринлари

яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди банкнинг Андижон филиали бошқарувчиси Машҳурбек Мадаминжонов.

Бугунги “Трастбанк” Бошқаруви Раиси томонидан “Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш” мақсадида ташкил этилган очиқ мулоқот шаклидаги сайёр қабул жараёнида ҳар бир экспортбop маҳсулот ишлаб чиқарувчи тадбиркорга банк хизматлари ва яратилаётган қулайликлар борасида батафсил маълумотлар берилиб, ҳар бир тадбиркор ўзини қизиқтирган саволларига бевосита жавоб олишга муваффақ бўлди.

Рақамларга тўхталиб ўтадиган бўлсак, “Трастбанк” Андижон филиали томонидан жорий йилнинг 1 август ҳолатига банк миջозлари томонидан жами 1 млрд. 592 млн. 201 минг АҚШ доллари миқдорида экспорт тушуми амалга оширилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 15 фоизга ўсган.

Шунингдек, филиал томонидан жами 10 млрд. 57 млн. сўм миқдорида ажратилган кредитлар ҳисобига, вилоятда қўшимча 20 та янги иш ўринлари яратилди, – дейди Машҳурбек Мадаминжонов.

Очиқ мулоқот якунида тадбиркорлар банк соҳасида миջозларга яратилаётган қулайликлар, банк тарифлари, банк кредитларидаги имтиёзлар каби масалалар бўйича ўзларини қизиқтирган қўллаб-қувватлаш бевосита банк раҳбариятидан батафсил жавоблар олиб, келгусида тадбиқ қилиниши режалаштирилаётган инновацион лойиҳалар ҳақида ҳам маълумотга эга бўлдилар.

Айрим муаммоли масалаларни эса, шу ернинг ўзида ҳал қилинди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш керакки, Банк раҳбарияти томонидан ўтказилаётган бундай очиқ мулоқотлар тадбиркорлик субъектлари олдида турган муаммоларни зудлик билан бартараф этилишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Сабоҳат САИДҚОРИЕВА

ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК:

МУРОЖААТЛАР ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА



Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида жорий йилнинг 2 август куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида тижорат банкларига юклатилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида акциядорлик тижорат “Қишлоқ қурилиш банк” Бошқаруви раҳбарлари жойларда аҳоли ва тадбиркорлар билан сайёр учрашувлар ўтказмоқда.

Банк Бошқаруви раиси Баҳодир Муллахонов Жиззах, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида ташкил қилинган ана шундай сайёр учрашувларда қатнашди.

Банк Бошқаруви раиси ўринбосари Алишер Муротов иштирокидаги тадбирлар Сирдарё вилоятининг Янгиер, Гулистон ҳамда Самарқанд вилоятининг Каттакўрғон ва Самарқанд шаҳарларида бўлиб ўтди.

Банк Бошқаруви раиси ўринбосари Фарҳод Ғофуров

Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний туманида, Нукус шаҳрида ва Хоразм вилоятининг Хива, Хонқа туманларида, Урганч шаҳрида тадбиркорлар ва аҳоли вакиллари билан мулоқот қилди.

Сайёр учрашувларда 1000 дан ортиқ иштирокчи қатнашди. Банк Бошқаруви раҳбарияти томонидан 182 та мурожаат сайёр учрашув давомида кўриб чиқилди. Аҳоли ва тадбиркорларнинг қўллаб-қувватлари тадбирлар давомида ўз ечи-

мини топди. Шунингдек, сайёр учрашувларда “Ҳар бир оила – тадбиркор” Давлат дастури доирасида имтиёзли кредитлар ажратишнинг тартиб-таомиллари, тадбиркорлар учун банкда мавжуд хорижий кредит линиялари, истеъмол ва ипотека кредитлари, кўйинги, аҳоли ва тадбиркорларни қизиқтирган барча масалалар бўйича тушунтиришлар берилди.

Очиқ мулоқот руҳида ўтган тадбирларда тадбиркорлар ўз фаолиятига халал бераётган муаммоларни билдирдилар ва қўллаб-қувватлар ўртага ташланди. Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган бизнес-лойиҳаларга сармоя ажратиш

муҳокамалар марказида бўлди. Экспорт қилувчи корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

“Қишлоқ қурилиш банк” вакиллари сайёр учрашувлар доирасида ҳудудлардаги қатор кичик бизнес субъектларида ҳам бўлишиб, тадбиркорларнинг ишлаб чиқариш қувватларини технологик янгилаш, экспортни оширишга ва қўшимча иш ўринлари ташкил этишга қаратилган бизнес лойиҳаларини молиялашга келишилди.

Сайёр учрашувлар республиканинг бошқа ҳудудларида ҳам давом этмоқда.

Соҳиба ОХУНЖОНОВА

АТ "АЛОҚАБАНК": САЙЁР ҚАБУЛЛАР САМАРАСИ

Яқинда ўтказилган 2019 йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган ишларни муҳокама қилиш ҳамда 9 ой ва йил якуни бўйича белгиланган прогноз параметрларига эришишни таъминлайдиган устувор вазифаларга бағишланган кенгайтирилган йиғилишда давлатимиз раҳбари томонидан макроиқтисодиёт, таркибий ўзгаришлар, молия-банк тизими ва хусусий тадбиркорлик масалалари ҳам муҳокама қилинди.



Эндиликда мамлакатимиз банклари ҳам ўз фаолиятларини қайта қўриб чиқиб, ўз мижозларига, жумладан, тадбиркорлик субъектларига бизнесларини ташкил қилиш ва ривожлантиришда молиявий қўллаб-қувватлашни кучайтиришлари керак бўлади.

Бу борада юртимиз банкларидан тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлашга халақит бераётган муаммолар ўрганилмоқда ва амалий ёрдамлар кўрсатилмоқда. Айниқса, сайёр қабулларнинг жорий этилгани мазкур йўналишдаги хайрли ишларнинг дебечаси бўлаётир.

Акциядорлик тижорат "Алоқабанк" 1994 йил 12 октябрда ҳукумат томонидан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги корхоналари ҳамда кичик ва ўрта бизнес субъектларини иқтисодий қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил қилинган эди. Ҳозирги кунда банк қатор халқаро ташкилот ва ассоциациялар аъзоси, турли ривожланган мамлакатлар банклари билан ҳамкорлик қилади.

Банк "Moody's Investors Service" халқаро рейтинг агентлиги томонидан барча рейтинглар бўйича прогноз – "БАРҚАРОР" деб топилган. 2018 йил якунлари бўйича халқаро рейтинг B1/B2/НП, миллий рейтинг узА+ (Жуда юқори) дея баҳоланган. "Ахбор-Рейтинг" банклараро рейтинг компанияси АТ "Алоқабанк"га: Миллий шкала бўйича кредитга лаёқатлилик "узА+" (Жуда юқори) рейтингини берди; Инвестицион фаоллик бўйича – 66,54 бал билан баҳолади. Банк Базель кўмитасининг корпоратив бошқарув бўйича 13 та тамойилга асосан ишлаб чиқилган Корпоратив бошқарув Кодекси талабларига мос равишда фаолият юритиб келмоқда.

Бу каби юқори кўрсаткичларга эга банкнинг 2019 йил 1 июль ҳолатига кўра активлари 6 700 млрд. сўм, кредит портфели 5 443 млрд. сўм, хусусий капитал 1212 млрд. сўм, даромад 610 млрд. сўм, фойда 86 млрд. сўмни ташкил этмоқда. Барча

рейтинг кўрсаткичларига кўра, "Алоқабанк" мамлакат банклари ичида 9-ўринни эгаллайди. Банкнинг Республика бўйлаб 14 филиали 26 та мини банклари ва хизмат кўрсатиш марказлари фаолият кўрсатмоқда.

Яқинда АТ "Алоқабанк" Бошқаруви раиси Коммуна Ирисбекова бошчилигида пойтахтда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ва фаолиятини янада ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида тадбиркорлар иштирокида очик мулоқот шаклида учрашув ўтказилди. Тадбирда мижозлар ва банк орасидаги шаффоф муносабатларини ўрнатиш мақсадида тадбиркорлик субъектлари билан яқиндан мулоқот ўрнатилиб, уларни қийнаётган саволлар, таклифлар ва муаммолар ўртага ташланди.

Учрашувда Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент вилоятидаги кичик бизнес вакиллари ҳамда банк мижозлари бўлган жисмоний шахслар, шунингдек тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган фуқаролар иштирок этишди.

Қабулда тадбиркорларнинг банк фаолиятига доир саволлари, жумладан, ўзларининг тадбиркорлик фаолиятларида банк билан бўлган муносабатларидаги муаммоларини тингладди. Кўпгина муаммолар жойида ҳал қилинди. Айрим мураккаб масалаларни ҳал этиш учун Бошқарув раиси томонидан банк мутахассисларига топшириқ ва кўрсатмалар берилди.

Сайёр қабул давомида мижозлар томонидан банк фаолиятини такомиллаштириш ҳамда мижозларга янада қўлайликлар яратиш борасида талаб ва таклифлар муҳокама қилинди.

Шу билан бирга, учрашувда тадбиркорларга ўз фаолиятларини кенгайтириш, маҳсулотлар экспортини йўлга қўйиш ҳамда экспорт ҳажмини ошириш бўйича зарурий маслаҳатлар берилди.

Жонли мулоқот тарзида ўтган уч-

рашувда 70 га яқин тадбиркорлик субъектларининг муурожаатлари ўрганилиб, муаммоларнинг аксарияти жойида ҳал этилди.

Хусусан, тадбиркорларнинг фаолият туридан келиб чиқиб, банк мижозларининг кредит фоизлари камайтирилиб 24 фоизга туширилиши, мижоз пул ўтказмаларидан банкнинг воситачилик хизмат тўловлари пасайтирилиши тадбиркорлар томонидан мамнуният билан қабул қилинди.

Сайёр қабул давомида қатор фирма ва корхоналарнинг ҳисобчилари ҳам қатнашиб, банк томонидан қабул қилинган янги тартиб ва қўралар билан танишиб, ўз фирмаларининг фойдасига кўп ишларни ҳал этишди.

Банк ишидан норози бўлган мижозлар ўз таклиф ва талабларини очик-ошкора баён этишди. Банк мутасаддилари вазиятни ўрганиб амалий ёрдам беришга ваъда беришди. Жумладан, касса амалиётидаги муаммолар, операторларнинг ўз ишига бефарқлиги каби ҳолатларнинг олди олиниши учун махсус текширувлар ўтказилиши режалаштирилди.

Банк мижозлари сайёҳлар учун виза карталарининг яхши йўлга қўйилмагани, уларнинг самарали ишламаётганидан шикоят қилишди. Банк раҳбарияти бу каби камчиликларнинг олди олиниши юзасидан банк мутахассисларига кўрсатма ва топшириқлар берди.

Тадбирда тадбиркорлар фаолиятини қўллаб-қувватлашда банклар ўрнини мустақамлаш каби банк-молия йўналишида амалга оширилиши керак бўлган чора-тадбирлар ҳам белгиланди.

Мазкур очик мулоқотлар АТ "Алоқабанк" томонидан республикамизнинг барча ҳудудларида ўтказилиши режалаштирилган.

Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА

БАНК ХИЗМАТЛАРИ

Мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва жисмоний шахсларнинг кредит олиш аризасини тезда кўриб чиқиш учун "Ипак Йўли" банки андеррайтинг тузилмасининг таркибий қисми бўлган – қарз олувчиларни таҳлил қилиш тизимини ишлаб чиқди. Давоғарнинг молиявий имкониятларини баҳолаш ва тўлиқ андеррайтинг даврдан ўтиш натижасида банк кредит олишга ариза бўйича ижобий ёки салбий қарор қабул қилади ё кичикроқ миқдорда шартларнинг ўзгариши шаклида муросага келади.

АНДЕРРАЙТИНГ – ИШОНЧЛИ ТИЗИМИ

Ушбу тизим туфайли, аризаларни кўриб чиқиш жараёни оз вақт талаб этади, ҳар бир мижозга индивидуал ёндашув таклиф қилинади ва иккиламчи ҳужжатлар ёки ҳаволалар керак бўлмайдиган аниқ тизим ишлаб чиқилган. Кредит конвеедини автоматлаштириш учун замонавий дастурлар – SAP CRM қўлланилган, бу юқори сифатли таҳлилларни олиш ва натижада банк хизматлари самарадорлигини ошириш имконини беради.

Аризани кўриб чиқишнинг асосий параметрлари қаторида, кредит миқдорини қарз олувчининг даромади, умумий кредит тарихига, гаровга, банкда ҳар қандай турдаги ҳисоб варақаларининг мавжудлигига, мутахассислиги ва иш жойига мутаносиблигига алоҳида эътибор берилади. Мижоз қандай суммадаги пул маблағи ва қандай шартларни мақбул деб билишига қараб, ҳужжатлар рўйхати ва талаблар гуруҳи фарқ қилиши мумкин.

Андеррайтингнинг асосий мақсади мижоз томонидан тақдим этилган барча маълумотларни ҳисобга олган ҳолда энг яхши қарор қабул қилиш, шунингдек, банкни хавф-хатарлардан ҳимоя қилишдир. Шунинг учун, аризаларни мустақил таҳлил қиладиган икки даражали кредит рейтинг тизими қўлланилади. Ушбу тажриба 2010 йилда андеррайтинг тизимини жорий этган Россия "Сбербанк"нинг тажрибаси асосида қабул қилинди.

Амалда қўлланилганидан 12 ой ўтгач, "Ипак Йўли" банки 400 миллиард сўмдан ортиқ 30 мингта муурожаатни кўриб чиқди, бу одатий буюртмалар ҳажмидан тўрт баравар кўпдир. Кредит портфелининг сифати 1,5% NPL миқдорида сақланиб қолмоқда. Бу халқаро бозорда жуда яхши кўрсаткич ҳисобланади. Яқин келажакда кичик бизнес учун кредитлар оқимини андеррайтинг тизимига ўтказиш режалаштирилган. Бу ҳақда банк Ахборот хизмати маълум қилган.



МУАММОЛАР ЕЧИМИ ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТДА



Шу кунларда “Туронбанк” АТБ Бошқаруви раиси ҳамда ўринбосарлари иштирокида Республиканинг барча ҳудудларида кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ва уларга амалий кўмак бериш мақсадида банк мижозлари ҳамда тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказилмоқда.

Ана шундай юзма-юз очик мулоқотлардан бири 15 август кунини пойтахтимизда “Туронбанк” АТБ Бошқаруви раиси бошчилигида бўлиб ўтди. Унда Марказий амалиёт бошқармаси мижозлари ва тадбиркорлар иштирок этди.

Сайёр қабулда қатнашчилар томонидан халқаро пул ўтказмалари, омонат турлари, кредитларнинг турли йўналишларига доир саволларига банк Бошқаруви раиси, бош банк департаменти директорлари ва Марказий амалиёт бошқармаси бошлиғи жавоб берди. Шунингдек, фуқаролар оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, ипотека кредитлари, айланма маблағлар учун кредитлар каби масалалар бўйича мурожаат қилишди. Мазкур мурожаатлар юзасидан керакли тавсиялар берилиб, амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Шунингдек, сайёр қабул қатнашчиларига бош банк департаменти ходимлари томонидан янги жорий этилган банк хизматлари ҳамда кредит турлари бўйича қисқача тақдимот қилинди.

“Туронбанк” АТБ Ижронини назорат қилиш ва мурожаатлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Асилбек Бобоёров:

– Мижозлар билан кўпроқ учрашиш мақсадида, хусусан, “Туронбанк”нинг барча мутасаддилари ҳудудларда тадбиркорларни қийнаб келаётган масалаларни ўз вақтида ҳал этиш ва аҳолини ишбилармонликка жалб этиш мақсадида кўплаб сайёр қабуллар ўтказилмоқда. Бу эса тадбиркорларимизнинг кўплаб муаммоларининг ечилишига ва улар сафининг орттишига хизмат қилаётир.

Таъкидлаш жоизки, мазкур қабулларда фақат банк хизматларига оид муаммоларгина эмас, балки тадбиркорларнинг бошқа соҳаларга оид масалалари ҳам ўз ечимини топмоқда.

дид линиялар ва янги банк хизматлари хусусида ахборот берилмоқда. Бугунги учрашув давомида ҳам қатнашчиларга мазкур йўналишлар бўйича кенг маълумот берилиб, уларнинг саволларига батафсил жавоблар берилди. Шунингдек, кредит олиш истагида бўлган мижозларга қисқа фурсатда керакли миқдорда кредитлар ажратилмаган бўлди.

Ёрқин Шаропов “Гидромаксуссурилик” АЖ бош ҳисобчи ўринбосари:

– 2018 йилдан буюн “Туронбанк” да бирламчи ва иккиламчи валюта ҳисоб рақамимизни юритиб, банк хизматларидан самарали фойдаланиб келяпмиз. Жумладан, ўтган йили банкдан 2 млн. АҚШ доллари миқдоридан кредит олгандик. Мазкур кредитнинг фойди қулай бўлгани учун жорий йил ҳам яна 2 млн. доллар кредит олишни мўлжаллаб турибмиз.

Қолаверса, “Туронбанк” томонидан ташкил этилаётган очик мулоқотларда ҳам доим иштирок



Шу кунга қадар ҳам банкимиз томонидан аҳоли мурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал этиш доимий назоратга олинди, ҳар бир мурожаат юзасидан тегишли чоралар кўрилмоқда. Айниқса, тадбиркорлик субъектларининг ҳар қандай таклиф ва мулоҳазалари ўз вақтида ўрганилиб, уларнинг хоҳиш истакларига мос бўлган банк хизматлари кўрсатишга ҳаракат қилинмоқда.

Шунингдек, банкимиз томонидан аҳоли ва тадбиркорлар билан юзма-юз мулоқот қилиш ҳам аниқ тусига кирган. Жорий йилнинг март, апрель ойларида ана шундай сайёр қабуллар ташкил этилиб, ишбилармонларнинг кўплаб муаммоларига ечим топилган эди.

Мазкур учрашувларнинг аксариятида тадбиркор ва аҳоли томонидан кредит масаласи бўйича кўплаб мурожаатлар келиб тушганди. Шу боис, эндиги сайёр қабулларда аҳолини банкимиз томонидан тақдим этилаётган турли кре-

дит фойзини тушириш бўйича мурожаат қилдим. Ушбу таклифим банк томонидан қўллаб-қувватланиб, ипотека кредити бўйича тегишли чоралар кўрилаётгани хусусида маълумот беришди. Иккинчи мурожаатим ҳам ижобий ҳал қилинадиган бўлди.

Якка тартибдаги тадбиркор Малика Фаттоҳова:

– “Ҳар бир оила – тадбиркор” давлат дастури доирасида “Туронбанк”дан 200 млн. сўм миқдоридан имтиёзли кредит олгандик. Бумаблағга махсускийим кечаклар ишлаб чиқарадиган цехга асос солиб, 60 дан зиёд хотин-қизларни ишли қилгандик. Шукурки, фаолиятимиз тезда ўз изига тушиб олди. Айни дамда маҳсулотларимизнинг бозори чаққон. Шу боис, банкдан яна 500 млн. сўм кредит олиш ниятимиз бор.

Бугунги сайёр қабулда банк Бошқаруви раисига мазкур масала юзасидан мурожаат қилдик. Улар таклифимизни қўллаб-қувватлашини ва имкон қадар имтиёзли асосда кам фойзли кредит ажратишга кўмак беришини таъкидлади. Агар тез кунларда бу маблағ ажратилмаган бўлса, корхонамиз фаолияти янада кенгайиб, яна 40 нафар хотин-қизни ишга олиш ҳамда маҳсулотларимизни экспорт қилиш имконияти пайдо бўлади.

Алимуҳаммад Эгамов “Тошкент ризқ барака” корхонаси директори:

– Бугунги юзма-юз учрашув биз учун самарали кечди. Чунки банк томонидан тақдим этилаётган янги кредит линиялари ва банк хизматлари ҳақидаги маълумотлар билан биз бирга ўзимизнинг фикр-мулоҳазаларимиз билан ҳам иштирок этдик.

Қабул жараёнида масофавий хизматлар кўламини янада кенгайтириш борасида ўз таклифларимни билдирдик. Бу масалани банк раҳбарияти ижобий қабул қилиб, тадбиркорларга қулай бўлган масофавий хизматларни ривожлантириш борасида доимий равишда чора-тадбирлар кўрилаётганини таъкидлади.

“Туронбанк” АТБ томонидан ўтказилаётган бундай сайёр қабул учрашувлари Республикаимизнинг барча ҳудудларида давом этмоқда.

Банк Ахборот хизмати



ИБРАТЛИ ҲАЁТ ЙЎЛИ

ФАХРИЙЛАРИМИЗ

Инсонлар ҳаёти ва фаолияти тўғрисида ёзиш завқли ва масъулиятли жараён. Чунки беихтиёр ўша инсонлар билан ўтказган онлар қайтадан кўз ўнгингда гавдаланади ҳамда сабоқли, қизиқарли хотиралар жонланади. Ёзганларинг фақат қахрамонгагина эмас, бутун оммага маъқул келиши эса елканга оғир масъулият юклайди.

Қахрамонимиз 30 йилдан ортиқ банк соҳасида фаолият кўрсатиб, турли раҳбарлик лавозимларида ишлаган, айни кунда "Агробанк"нинг Бухоро вилояти бошқармасида ёшлар мураббийи сифатида уларга устозлик қилиб ёрдамни аямай келаётган Азамат Авезовдир.

Азамат Авезов 26 ёшида собиқ Иттифоқнинг Давлат(марказий) банки туман бўлимининг бошлиғи, мустақиллик йилларида эса Республикамининг тижорат банкларининг туман ва вилоят бўлинмалари раҳбар лавозимларида фаолият кўрсатган. Шунингдек, Марказий банкнинг Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари бўлиmlарини бошқарган. Ўша пайтлари миллий валютамизни муомалага киритиши ва ягона тўлов тизимини жорий этилиши жараёни бўлиб, ҳудудларда бу масъулиятли юмушга бош – қош бўлиш масъулияти Азамат зиммасига тушганди. Айниқса, унинг мамлакатимизда илк бора "Навоий" эркин иқтисодий зонани ташкил этишдаги хизматлари таҳсинга сазовор.

ОТА-ОНА

ФАРЗАНДА УСТУНДЕК

Азамат оилада ёлғиз фарзанд бўлиб, ота-онанинг барча эътибори ўғлининг камол топишига қаратилган эди. Унинг ёшлик йиллари Бухоро вилояти, Ғиждувон туманининг меҳмондўст, маънавиятли хонадониде кечган. Оналари Малика ая ягона ўғлининг шўхликларига чидамай хафа бўлганларида, "Қўлингдан китоб тушмагур", "Эҳ, раҳбар бўлгур", "Халқ ғамида юргур", каби сўзлар билан койир эдилар.

Шунда бир ҳолатнинг гувоҳимиз. Уйда алоҳида хона ва китоб жавонига эга бўлсада, куни билан отасининг олдида вақтни бекорга ўтказаяпти, деб суриштирганимизда Аминжон ака қўлларини муштлаб бош бармоқлари билан орқаларига ишора қилдилар. Туманинг катта китоб дўкони ва унга боғланган кутубхона. Дастлаб, нима қилибди, деб уйладик. Лекин жойига бориб оталари ўғлининг дарс тайёрлаши учун ҳар иккала корхонада салқин ва китоблар орасида алоҳида жой қилдириб берганларини кўриб, фақат билим олишга интилган инсонгина сабр билан куни бўйи ўтириши мумкинлигига ишониб ичимиздан отаси Аминжон акага тасанно айтдик.

Китобсевар ота-онасидан кўп ва ҳўб тарбия олган Азамат



ҳозиргача китоб мутолаасидан бўшамайди.

Айни дамда у 60 ёшни қаршилаёпти. Ораста кийиниши, муомала маданияти, одоб-ахлоқи билан барчага манзур Азаматнинг бу даражага етишининг сирини мадада? Қахрамонимиз билан суҳбатда, у болалик ва ўспиринлик йилларидан урта ҳолатни: тоза ва озодаликка риоя этиш, ҳар қандай ҳолатда жавобгарликни ўз зиммасига олиш ва мақсадга эришиш учун ҳаловатдан воз кечиш ширини бўлганини тасдиқлайди. Яна ота-онасидан тозалик ва орасталикни мерос бўлганини айтади. Азамат ўзи бошқарган муассасаларда ҳам озодаликка риоя қилишни қанда қилмаган.

УСТОЗЛАР САБОҒИ – ҲАЁТ КАЛОМИ

Унинг илк молия оламига қадами 1977 йилда Тошкент Давлат Иқтисодиёт университетининг банк мутахассислигига ўқишга киришдан бошланди.

Илк иш фаолиятини эса Давлат банкнинг Ғиждувон туман бўлимининг бошлаган. Бўлим раҳбари марҳум Равшан Омонов Азаматнинг биринчи устозларидан. Қахрамонимиз касса бўлимида ишлаб бошлаб, Равшан акадан банк соҳасининг сир-асрорларини ўргана борган. Лавозим мажбурияти асосида ўрта махсус маълумотли мутахассис ишлаши талаб қилинган бўлимида бир йил ишлаш бу устознинг қўйган талаби эди. Чунки банк тизимида раҳбарларга панд берадиган, нақд пул билан боғлиқ касса бўлими ҳисобланарди. Шунингдек иккинчи йилдан пул муомаласи бўлимига оддий мутахассис лавозимига ишга ўтказилди "Касса режаси" деган яқин яқингача кўпчилик тажрибали банк раҳбарларини курсисига болта урган нақд пул тушумини кўпайтириш режасини назорат этиш ва бажариш йўллари пухта ўргатилди.

Иш фаолиятининг иккинчи йили Азамат пул муомаласи бўлимига мутахассис лавозимига ўтказилди.

Тажрибали инсонлардан сабоқ олган Азамат Аминович 26 ёшидаёқ раҳбарлик лавозимига тайинланди. Бу орада мамлакатимиз мустақилликка эришди. Ҳамма соҳаларда бўлгани каби банк тизимида ҳам янги ўзгаришлар жараёни кетарди. 1993 йил Марказий банк вилоят раҳбарлигига таклиф этилганида Азамат ўз номзоди ўрнига устози Э. Каримовни тайинлашларини сўради. Бу ўз устозига кўрсатилган эҳтиром эди.

Орадан кўп ўтмай Азамат Авезов "Агробанк" АТБнинг собиқ вориси "Деҳқон саноат" банкнинг Бухоро вилояти бўлими раҳбари этиб тайинланди. Эндиликда қахрамонимиз ярим асрга яқин ҳаётини банк тизимини ривожлантиришга, мустақил республикаимиз банк тизимини амалий – меъёрий ва ҳуқуқий асосини яратилишига бағишлаган, минглаб ёшларга устозлик қилган Абдурафиқ Аҳадов билан ҳамсуҳбат, ҳамнишин бўлди.

Бугунги кунда олти фарзандни вояга етказиб, улардан ўн бир навера кўрган ва юзлаб шогирд тарбиялаган Азамат Аминовичнинг ўз устозлари номларини улуғлаб боғ яратиши имом Муслим ривоятларида келтирилган ҳазрат Пайғамбарамиз (с.а.в) ни "Қайси бир мусулмон бир кўчат ўтказса ёки бир экин эксаю ундан қўшми, инсонми, ҳайвонми еса, бу ундан садақа бўлади", деган муборак ҳадиснинг ижобати ва барча шогирдлар учун ҳаётий ибрат бўлсин.

Азаматнинг бугунги кундаги ўзига хос, шогирдларга ибрат бўладиган жиҳатлари устозлар ўғитларини доимо ёдда тутишидир. У ҳар бир гапида ёки ҳар қандай ишни бажармоқчи бўлганида доимо устозлар насиҳатини эсга олади.

Азамат Авезов айнан шу кунларда ўзи яратаётган боғ оралаб юрганда устозларини эслаб, қайси гулни қайси дарахт олдида экса бўлади-ю, қайси дарахт қайси дарахт билан келиша олмаслигини устоз сабоқларидан ўрганганлигини айтар экан, шуни қўшимча қилади: "Ҳаёт йўлимида устозлар сабоқларига риоя қилиб кам бўлмадим, энди улар номлари билан боғ яратиб ҳар бир устозимни шод этишим керак!"

Бу сўзлар шогирдининг устозларга бўлган эҳтиром рамзидир. Албатта Азаматнинг маслаҳатлари, ҳаёт сабоқлари барча ёшларга бир мактаб ва-зифасини ўтайди.

А. ҚОДИРОВ,
Иқтисодиёт фанлари
доктори, профессор.
О. ОЛИМЖОНОВ,
Иқтисодиёт фанлари
доктори, профессор.

БАНК ТАҲЛИЛЧИСИ:

КОРХОНАЛАРДА КРЕДИТ
ОПЕРАЦИЯЛАРИ ҲИСОБИ
МУАММОЛАРИ, ҲИСОБ СИЁСАТИНИ
БАҲОЛАШ МАСАЛАЛАРИ

(Бошланиши ўтган
31-сонда)

Агар корхонада бухгалтерия ҳисоби замонавий компьютер дастурларида олиб борилса, операцияларнинг тор доирадаги ҳисобрақамларда акс этиши, яъни қисқа ўтказмалар корхонада вужудга келган даъволар, захиралар, балансдан чиқарилган активлар ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар моҳиятини тўлиқ очиб бераолмайди. Шунингдек, улар молиявий ҳисоботларда ҳамда электрон ахборот базасида тўлиқ ва тўғри кўриниши учун ҳам юқоридаги операциялар тегшли ҳисобрақамларда тўлиқ акс эттирилиши шарт деб ҳисоблаймиз.

Кредит ва фоизнинг балансдаги суммаси ҳамда мулкнинг ҳақиқий қиймати ўзаро солиштирилади ва қайси кичик бўлса, яъни банк қанча суммага кредит ва фоиз суммасини камайтирса ўша суммага ўтказма (проводка) ўтказилади. Агар корхона ўз мулкнинг қийматини банк қабул қилаётган суммадан юқори деб ҳисобласа, ушбу мулкни ўзи сотиб, кредит ва фоизларини тўлаши мумкин.

Кредит ва фоизлар, кафил ёки юқори ташкилот ҳисобидан қайтарилганда энди корхонада банк олдида эмас, кафил ёки юқори ташкилот олдида мажбурият, фақат корхона ва кредитни тўлаб берувчи ўртасида бошқа шартлар келишилган бўлмаса фоизсиз мажбурият вужудга келади.

Шунингдек, йўриқнома 291-банди 4-хатбошисидаги "...аналитик ҳисоб ҳар бир кредитни тақдим этган банк, кредит суммаси, муддати бўйича ..." иборасини "...аналитик ҳисоб ҳар бир кредит шартномаси бўйича алоҳида юритилади" ибораси билан алмаштириш лозим. Чунки, корхона бир ёки бир неча банкдан бир неча кредит шартномаси асосида кредитлар олиши мумкин.

Агар кредитни қайтара олмаган тақдирда корхона мажбурияти таъминоти учун мулкни гаровга қўйган шахснинг мулкни банк гаров шартномасига ёки суднинг қарорига мувофиқ, қайтарилмаган банк кредити ва фоизи эвазига банкка берса, табиийки, корхонага нисбатан даъво вужудга келади ва уни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш мумкин:

Дт: Банк кредити ва фоизини ҳисобга олувчи (6810-, 6920-, 6950-, 7810-) ҳисобрақамлар (кредит ёпилмоқда);
Кт: 6960 - "Даъволар бўйича тўланадиган ҳисоблар" (корхонага нисбатан даъво вужудга келмоқда).

Чунки, банк корхонанинг кредит ва фоизини ўз мулкни ҳисобидан ёпиб берган шахс олдида (агар улар ўртасида бошқа шартлар келишилган бўлмаса) фоизсиз мажбурият вужудга келади. Корхона учун кафиллик берган шахс кредитни кафиллик шартномасига мувофиқ тўлаганда ҳам шундай бўлади.

Корхона, кредит шартномасида кўрсатилган шартларни бажармаган тақдирда, унга нисбатан Фуқаролик кодексининг 260-моддасига кўра, кредиторга тўлаши шарт бўлган пул суммаси, яъни неустойка тўлайди. Бу суммалар солиқ суммасини камайтирмайди, балки, солиқ тўлангандан кейинги фойда ҳисобидан тўланади. Кредитни расмийлаштириш харажатлари, жумладан, баҳоловчи ташкилотларига гаров мулкни баҳолаганлиги учун, гаров мулкни расмийлаштириш учун кадастр идорасига, гаровга қўйилаётган автотранспорт воситасини расмийлаштириш учун йўл ҳаракати хавфсизлиги органларига, гаров бўйича нотариал ҳаракатларни амалга оширганлиги учун нотариал идораларига тўлаган суммалар давр харажатларига олиб борилади ва солиқ суммасини камайтиради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, корхоналарда кредит операциялари бухгалтерия ҳисобининг тўғри ташкил этилиши молиявий ҳисоботларнинг реал бўлишига, шерикларнинг ишончини қозонишга, молиявий санкцияларга тушмаслик хавфини камайтиришга, корхона обрўсини оширишга олиб келади.

Банк таҳлилчиси ва бошқа молиявий таҳлилчилар учун ҳисоб сиёсатининг тушунарли бўлиши эса шерикчиликнинг йўлга қўйилишига, бизнесни ривожлантириш учун керакли маслаҳат олишга кенг йўл очади.

Нурали ХОЛМУРОДОВ,
Марказий банк кадрлар
билан ишлаш департаменти
ўқув бўлими бошлиғи

БИЗНЕС ВА ШАҲАРСОЗЛИК УЧУН ЕР – ФАҚАТ ОНЛАЙН-АУКЦИОН ОРҚАЛИ

Жорий йил 1 октябрдан бошлаб тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолияти учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш ер участкаларини беришнинг янги тартиби жорий этилади (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 13.08.2019 йилдаги Фармониغا мувофиқ).

Шу санадан бошлаб кўрсатилган мақсадлар учун ерни барча ҳудудларда фақат "E-JRO AUKSION" савдо майдончасида электрон онлайн-аукцион орқали олиш мумкин бўлади. Президент ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ ер участкалари бериш ҳоллари бундан мустасно. Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари ушбу тартибни бузганлик учун шахсан жавобгар бўладилар.

Бундан ташқари, жисмоний ва юридик шахслар "YERELEKTRON" ААТда[1] аниқ инвестиция мажбуриятлари билан бирга ер участкаси ва режалаштирилаётган қурилиш майдончаси тўғрисидаги маълумотларни кейинчалик уларни электрон онлайн-аукционга қўйиш ма-

саласини кўриб чиқиш учун жойлаштириш тўғрисида таклифлар киритиш ҳуқуқига эга бўлади.

"Давергеодезкадастр" кўмитаси тадбиркорлик ва шаҳарсозлик учун таклиф қилинадиган ер участкаларининг жойлашуви тўғрисидаги ахборотларни очиқ маълумотлар порталида ва ўз расмий сайтида жойлаштириб боради.

Бир ой мuddатда юқоридаги янгиликларни ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш ер участкаларини электрон онлайн-аукцион орқали тадбиркорлик фаолияти учун тақдим этишнинг янги тартибини жорий этишга йўналтирилган ҳужжат ишлаб чиқилади. Унда, жумладан, қуйидагилар акс эттирилади:

"Давергеодезкадастр" кўмитаси органлари томонидан "YERELEKTRON" ААТга

маълумотларнинг мустақил киритилиши;

ер участкаларини танлаш бўйича материалларни ваколатли органларга келишиш ва хулоса бериш учун автоматик тарзда юбориш;

ер участкаларини танлаш бўйича материалларни келишиш пайтида қурилишга рухсат берилган ёки тақиқланган объектлар турларини аниқлаш, архитектура-режа топширигини ишлаб чиқиш, шунингдек, муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш учун техник шартларни тақдим этиш;

ер участкаларини танлаш бўйича материаллар юзасидан муайян давлат органлари хулосаларини олиш талабини бекор қилиш;

келишув ва ижобий хулосалар берилгандан сўнг қўшимча қарорларсиз ер участкаларини "YERELEKTRON" ААТ орқали электрон онлайн-аукционга қўйиш;

электрон онлайн-аукцион натижалари тўғрисидаги баённома асосида ер участкасига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш, шунингдек, аукцион ғолибига ер участкасини ажратиш тўғрисидаги қарор ўрнига Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестридан кўчирма бериш.

ЎЗБЕКИСТОН 20 ТА ДАВЛАТ ФУҚАРОЛАРИ УЧУН ВИЗАЛАРНИ БЕКОР ҚИЛАДИ

2020 йилнинг 1 январидан 20 та давлат фуқаролари учун Ўзбекистонга келган кундан бошлаб 30 кун муддатга визасиз режим йўлга қўйилади. Бу ҳақда Давлат туризми ривожлантириш кўмитасининг сайти орқали Президентнинг "Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармониغا ҳавола берилган ҳолда маълум қилинди.



Рўйхатга Антигуа ва Барбуда, Барбадос, Белиз, Гренада, Доминикан Республикаси, Мексика, Гватемала, Гондурас, Коста-Рика, Куба, Никарагуа, Панама, Тринидад ва Тобаго, Эл-Салвадор, Сент-Винсент ва Гренадин, Сент-Люсия, Багама Ороллари, Доминика, Сент-Китс ва Невис, шунингдек Ямайка давлатлари киритилди.

Санаб ўтилган давлатларнинг фуқаролари 2019 йилнинг 1 февралдан

бошлаб Ўзбекистонга электрон кириш визаларини олишлари мумкин бўлди, бу виза соддалаштирилган тартибда расмийлаштирилади ва бу ерда 30 кун бўлиш ҳуқуқини беради. Хусусан, келгуси йилдан у олинмайди.

Эслатиб ўтамай, жорий йилнинг 1 февралдан бошлаб 45 та давлат фуқаролари мамлакатимизга визасиз 30 кунга ташриф буюриш ҳуқуқини олдилар.

КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 13 августдаги Фармони вақарорига мувофиқ бу агентлик Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузурда фаолият кўрсатади, унинг худудий бўлинмаларида кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш бўлимлари ташкил этилади.



Агентлик Жаҳон банки томонидан тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш тизимини кенгайтириш ва унинг самарадорлигини ошириш, аҳолининг кенг қатламларини бизнес юритишга жалб қилиш ва бошланғич капиталдан фойдаланиш имкониятини таъминлаш бўйича давлат органи сифатида тавсия этилди.

Қуйидагилар унинг асосий вазифалари жумласига киради:

кичик бизнес ва тадбиркорликни, хусусий тадбиркорликнинг барча шаклларини ривожлантиришга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича давлат ва худудий дастурлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ваколатли давлат органлари ва ташкилотларининг кичик биз-

нес ва тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш, бизнес муҳитини яхшилаш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштиришни ташкил этиш;

ишбилармонлик муҳитининг жорий ҳолатини ўрганиш, шу жумладан, сўровномалар ўтказиш асосида ҳамда ер участкалари тақдим этиш ва қурилиш-монтаж ишларини бажариш тартиб-таомилларини соддалаштириш, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш инфратузилмаси, бошқа моддий-хомашё ва молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятларини яхшилаш, шунингдек, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган бюрократик тўсиқлар ва ғовларни бартараф этиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

бизнесни кенгайтиришни рағбатлантиришга, қўшимча қиймат

яратишнинг яхлит занжирларини шакллантиришга, замонавий технологияларни ўзлаштиришга, экспортни кўпайтиришга, доимий иш ўринларини яратишга йўналтириш натижасига қаратилган воситаларни жорий этиш;

йирик ишлаб чиқарувчилар томонидан кичик ва ўрта корхоналар – оралик товарлар ва хизматлар (хомашё, тўловчи қисмлар ва бошқалар)ни етказиб берувчилар фаолиятини, шу жумладан, тижорат банкларига мақсадли депозитлар очиб ҳисобига молиялаштириш механизмларини жорий этиш;

кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига, шу жумладан, аҳолининг заиф қатламларининг тадбиркорлик ташаббусларига-кафилликлар ва кафолатлар, шунингдек, тижорат банклари кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация бериш шаклида молиявий ёрдам кўрсатиш;

кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини қонунчилик, янги технологиялар ва маҳсулотлар, бозорлар ва бошқа долзарб масалалар бўйича номолиявий қўллаб-қувватлаш (беуло телефон ва онлайн-маслаҳат хизматлари, ўқув марказлари, бизнес-инкубаторлар, ахборот хизматлари ва бошқалар) тизимини шакллантириш;

халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан кичик бизнес ва тад-

биркорликни қўллаб-қувватлаш лойиҳаларини амалга ошириш, уларга техник ва маслаҳат кўмагини ташкил этиш бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиш;

Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ва Бош вазирнинг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича кабулхоналари билан кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича давлат ва худудий дастурларни тайёрлаш, ушбу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқишда яқиндан ҳамкорлик қилиш.

Агентлик – давлат бошқаруви органи бўлиб, ўз фаолиятида Иқтисодиёт ва саноат вазирлигига ҳисобот беради. Агентлик директори вазир ўринбосари ҳисобланади (худудларни, шу жумладан, Сирдарё вилоятини комплекс ривожлантириш учун масъул вазир ўринбосари лавозими қисқартирилади). Директор Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган икки нафар ўринбосарга эга.

Агентлик штатида вазирлик тизими ходимларининг чекланган умумий сони доирасида жами 28 нафар бошқарув ходимлари, Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг худудий бўлинмаларидаги янги бўлимларда эса – 49 нафар бошқарув ходимлари бўлади. Бу бўлимлар ССПнинг худудий бошқармалари, бизнес-омбудсман аппаратининг худудларда фаолият юритаётган ходимлари билан ўзаро яқин ҳамкорликда ишлайди.

КРЕДИТНИ ҚАРЗДОР ЭМАС, БАНК ТЎЛАБ БЕРАДИМИ?

Маълум бўлишича, Даниянинг Jyske Bank банки манфий фоиз ставкаси бўйича, яъни йиллик -0,5 фоиз ставкада 10 йил муддатга ипотека кредити ажратар экан. Қарздорлар кредит фоизини тўлаб бориш ўрнига банкдан пул оларди. Яқинда Даниядаги яна бир банк – Nordea Bank 20 йил муддатга ноль фоизли ставкада ипотека кредити тақдим этишини эълон қилди.

Бундан ташқари, банк 30 йил муддатга манфий фоиз ставкали кредит ажратиш имкониятини муҳокама қилмоқда. Мамлакатда ўрта ҳисобда 30 йиллик муддатга ипотека кредити ажратиш улуши 0,5 фоизга тенг. Айни вақтда дунё бўйича бошқа узоқ муддатли ставкалар 0 ёки ундан паст даражадаги фоиз ставкаларда берилмоқда. 30 йиллик олмон қимматли қоғозлари манфий ҳудудга ўтиб кетди, Европа ва Япония марказий банклари бир неча йилдирки ноль ёки манфий фоиз ставкалари билан юритмоқда. Бироқ АҚШдаги вазият буткул ўзгача: бугунги кунда бу мамлакатда ипотека кредити 30 йил муддатга қатъий белгиланган 3,6 фоизлик фоиз ставкада ажратилаётир. Бироқ сўнги вақтларда мижозлар учун манфий фоиз ставкаларида кредит ажратилиши масаласи кун тартибига кўйилган.



Манфий фоиз ставкалари бўйича ажратилган тақдирда нима ўзгаради? Биринчидан, пулни тежашнинг эҳтимоли камаяди. Банклар депозитлар бўйича қарздорликни манфий ставкаларда ечишни бошласа, истеъмолчилар эса банкларга пулни кечиктириб тўлаш имкониятини қўлга киритиш учун тўлов қилади. Банк мижозлари пулларни сақлашнинг таваккалчиликка асосланган усулини қўллаш бошлади. Масалан, улар пулни нақд шаклда сақлаши ёки таваккалли сармога сифатида сарфлаши мумкин. Албатта, бу одамларнинг молиявий ҳолатига таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Уй-жой бозори мижозлари харидни амалга оширишдан олдин уларнинг бўнак сифатида киритган тўловни манфий ставкалар сабабли "осмонга учиб" кетишидан хавотирга тушади.

Данияда паст фоиз ставкали кредитларнинг ажратилиши уй-жойларнинг нархи кўтарилишига олиб келди, қарздорларнинг нисбатан қиммат уйлари харид қилишга қурби ета бошлади. Дания молиявий назорат Бошқармаси – Nordea Бош иқтисодчиси Хельги Педерсен уй бозорида "кўпик" шаклланишини бартараф этишга ҳаракат қилишини маълум қилди.

Шунингдек, АҚШда ипотека кредитларининг фоиз ставкалари ре-

корд даражада тушиб кетган пайтда одатда қайта молиялаштиришга тайёргарлик кўрилади.

Аммо манфий фоиз ставкали ипотека жамғармалар учун кенг имконият эшигини очар экан омонатчиларда ўз омонатларини қайтариб олишда бирмунча муаммо ҳам туғилиши мумкин. Бундай пайтда нисбатан катта миқдордаги кредитни қайтара оладиган омонатчилар таваккалчиликка йўл қўймайди. Бундан ташқари, кредитларда ликвидлик манбаси камайиши натижасида омонатчиларга бера оладиган маблағ ҳам камайиши мумкин. Ҳар ҳолда яқин келажақда шундай ҳолат кузатилиши турган гап. Аксарият иқтисодий мутахассислар АҚШда манфий фоиз ставкаларининг жорий этилиш эҳтимоли юқори эмаслигини бирдек таъкидламоқда.

"АҚШда манфий фоиз ставка-

лари жорий этилиши учун кўплаб ўзгаришлар амалга оширилиш зарур", – дейди Edward Jones директори ва инвестициявий стратеги Кейт Уорн.

Гарчи инфляция даражаси ФЭТ максадларига яқинлашмаган бўлсада, 2 фоизга тўғри келиб турибди. Бундан ташқари, АҚШ иқтисодиёти кенгайиши манфий фоиз ставкани жорий этишни четга сурмоқда.

Европа ва Япония сингари мамлакатларда ҳам бундай фоиз ставкаларини белгилашга тўсқинлик қилувчи яна бир иқтисодий омил мавжуд: аҳоли ўртасида кексалар сони кўпайиб, ишчи кучи сафи қисқармоқда.

"Бу эса иқтисодий ўсишга ҳалал берувчи муҳим сабаб", – дейди Ипотeka банкирлари Уюшмасининг бош иқтисодчиси Майкл Фратантони.

Яқинда ФЭТ қисқа муддатли ставкаларни қисқартиришга қарор қилганди, бироқ АҚШда ғазнада омонатлардан тушадиган даромад бошқа давлатларга нисбатан юқориликча қолмоқда. 10 йил муддатли ғазна омонатларидан тушадиган даромад 1,7 фоизни ташкил этади. 0 фоизли даражага тушиб қолиши учун катта майдон керак бўлади. Лекин шунда ҳам америкаликлар бунинг таъсирини сеза олмайди.

ДУНЁГА НИГОҲ

"Вести.Экономика" нашрида ёзилишича, Хитой олтин харид қилишни май ойидан бошлаб кескин қисқартирган. Бу мамлакатдан доллар чиқиб кетишини олдини олиш ҳамда миллий валютани мустаҳкамлаши учун ташланган қадам сифатида баҳоланмоқда.

ОЛТИН ЗАХИРАСИ НЕГА КАМАЙДИ?

Иқтисодиёти бўйича дунёнинг иккинчи йирик мамлакати ўтган йилга нисбатан тахминан 300-500 тонна кам олтин олиб кирган. Бу эса, ҳозирги нархларда деярли 15-25 миллиард АҚШ доллари демак. Чекловлар АҚШ билан давом этаётган савдо урушининг таъсирида амалга оширилаётган бўлиши мумкинлиги қайд этилмоқда.

Хитой олтинни импорт қилувчи энг йирик давлатлардан бири саналади. Хитой божхона тизими маълумотиغا кўра, ўтган йили мамлакатга умумий қиймати салкам 60 миллиард АҚШ долларилек жами 1,5 минг тонна олтин олиб кирилган.

Сўнги йигирма йилда Хитойда тилла тақинчоқлар, инвестициявий қуйма олтинлар ва тангаларга бўлган талаб уч карра ўсган. Сабаби мамлакат аҳолисининг яшаш шaroити жадал суръатларда яхшиланди. Хитой олтинининг расмий захираси ҳам беш баробар ортди ва деярли 2 минг тоннага етди.

Хитой божхонаси қайд этишича, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 575 тонналик олтин импорт қилинган бўлса, 2018 йилнинг мос даврида бу кўрсаткич 883 тоннани ташкил этган. Биргина май ойида жорий йил 71 тонна, ўтган йили 157 тонна олтин импорт қилинган. Июнь ойида ҳам кескин пасайиш кузатилган.



Хитой олтинни асосан Швейцария, Австралия ва Жанубий Африкадан олиб киради ва уларни АҚШ долларларида сотиб олади. Харидлар бир гуруҳ маҳаллий ва хорижий банклар томонидан Хитой марказий банки томонидан белгиладиган импорт учун ажратилган ойлук квоталар асосида амалга оширилади.

Бироқ сўнги ойларда ушбу квоталар қисқарган ёки умуман олиб ташланганлиги таъкидланмоқда. Бугунги кунда Хитойда деярли импорт учун ҳеч қандай имтиёз берилмаётганлиги қайд этилмоқда. Шу боис импорт ҳажми кескин қисқарган.

Август ойида олтин нархи сўнги олти йилда кузатилган энг балан д нархга айланганлиги АҚШ ва Хитой ўртасидаги муносабатнинг таъсири сифатида баҳоланган.

Сўнги ойларда Саудия Арабистони Хитойга қилинаётган нефть экспортини кескин оширган. Энг қизиғи, бир йил давомида Саудия Арабистони томонидан Хитойга икки карра кўп нефть етказилган бўлса, АҚШга қилинган экспорт ҳажми учдан икки қисмга қисқарди.

ХИТОЙ НЕФТЬ ЭКСПОРТИ ЙЎНАЛИШINI САУДИЯ АРАБИСТОНИГА ҚАРАТДИ

Нефть маҳсулотлари ортилган юк машиналарини сунъий йўлдош орқали кузатиб борадиган Tanker Trackers.com компанияси маълумотиغا кўра, июль ойида Саудия Арабистони Хитойга суткасига 1 802 788 баррель нефть етказиб берган бўлса, август ойининг ўртасига қадар кунига ўртача 921 811 баррель нефть экспорт қилган.



Айни пайтда АҚШга июль ойида суткасига 262 053 баррель нефть сотилган бўлиб, бу билан ўтган йилнинг август ойидаги кўрсаткичга нисбатан 62 фоиз кам натижага эга бўлинган. АҚШ Эроннинг нефтларига нисбатан жазо чораларини жорий этгач, вазият ўзгарганди. Хитой ҳам шу санкциялар таъсири остида Эрондан эмас, Саудия Арабистонидан нефть харид қилишни маъқул кўрди.

GERMANIYA BANKLARINING AKTSIYALARI REKORD DARAJADA ARZONLASHDI

Олмон иқтисодиётидаги сулшаву ва ГФРдаги йирик банклардаги муаммолар таъсири остида Commerzbank ва DeutscheBank банклари кучли босим остида қолган.

Жорий йилнинг 15 августида Франкфурт фонд биржасида DeutscheBank кимматли қоғозлари қиймати 3,8 фоиз арзонлашди ва 5,85 еврога тенг бўлди. Банк тарихида энг паст кўрсаткич кузатилди.

Франкфуртдаги савдо яқунлари бўйича Commerzbank акциялари 2,3 фоиз арзонлашди ва 4,72 еврога тенг бўлди. Германиянинг иккинчи йирик банкида ҳам рекорд даражадаги паст нарх қайд этилди.

Ҳар иккала банкдаги ҳолат умуман олганда Европа банк тармоғидаги муаммоларнинг таъсири остида юзага келди. Хусусан, Испания ва Италиянинг қатор банклари ҳам шундай вазиятни ўз бошидан ўтказмоқда.

Германия банк тизимидаги мазкур ҳолат мамлакат қарз бозоридаги сал-

бий ставкаларнинг сақланиб қолиши оқибатида давом этмоқда. 15 августда Германиядаги 30 йиллик давлат облигацияларининг фоиз ставкалари рекорд даражада паст фоизга (0,232 фоиз) тушиб қолди. Аини пайтда 2 ва 10 йиллик облигациялардан олинадиган эгри даромад АҚШда кузатилганидек инверсияга учраши эҳтимоли бор. Ойнинг ўртасида 2 ва 10 йиллик давлат облигацияларидан олинадиган даромадлар ўртасидаги фарқ фақатгина 10 базис пунктни ташкил этди.

ЕМБнинг депозитлар бўйича ставкалари истиқболда пасайиш эҳтимолининг кузатилиши сармоядорлар кайфиятига салбий таъсир кўрсатади. Умуман олганда, ГФР иқтисодиётида рецессия таваккалчилиги кучайган. Германия ЯИМ кўрсаткичи 2019 йил иккинчи чоракда 0,1 фоиз пасайди.

Бундан ташқари, 2008 йилдаги молиявий инқироз давомида йўл қўйилган ҳуқуқбузарликлар учун кўп миллиардли жарималарни тўлаганига қарамай, шунингдек, банклараро ставкалардаги ўйинлар, валюта бозори ва бошқа жарималардан кейин ҳам ҳанузгача DeutscheBank АҚШ томонидан пулларни ноқонуний айлантиришда айбланмоқда.

DeutscheBank ва Commerzbankнинг бирлашиш борасидаги муҳокамалари натижасиз қолди. Аксарият мутахассислар йўл қўйилган хатолар оқибатида ҳар иккала банкнинг ҳам яқин келажакда даромад топиш борасида омади юришмаслиги мумкин.

DeutscheBank 2019 йил июль ойида банк таркибини қайта ташкил этишни эълон қилгани ҳам йирик молиявий муассасанинг барқарорлигини таъминлашга етарли бўлмаслиги тахмин қилинмоқда.

Номаълум шахслар Европа марказий банкига тегишли Интеграциялашган банклар ҳисоботи маълумотномаси (BIRD) веб-саҳифасига кибер ҳужум уюштирганлиги маълум бўлди. BIRD веб-саҳифасида банкларга статистик ва назорат ҳисоботларни қандай тайёрлаш бўйича маълумотлар жойлаштирилганди.

ЕВРОПА МАРКАЗИЙ БАНКИ САЙТЛАРИДАН БИРИ ХАКЕРЛАР ҲУЖУМИГА УЧРАДИ




Европа марказий банки (ЕМБ)га тегишли веб-саҳифалардан бири хакерлик ҳужумига учради. Оқибатда махфий маълумот ўғирланганлиги тахмин қилинмоқда.

Сайтни бузиш оқибатида қонунбузарлар BIRDга обуна бўлганларнинг 481 тасига тегишли алоқа маълумотларини очиклаган бўлиши мумкин. Бундай маълумотлар сирасига обуначиларнинг электрон манзили, исми шарифи ва лавозими киради. Бугунги кунда ЕМБдагилар хакерлар ҳужумидан жабрланганлар билан алоқага чиқишга ҳаракат қилмоқда.

Марказий банк вакиллари таъкидлашича, фойдаланувчиларнинг қалит сўзи ҳақида маълумотларга дахл қилинмаган, шунингдек "бозордаги вазиятга таъсир кўрсатувчи ички ахборот ва маълумотлар"га ҳам тегилмаган.

ЕМБ ҳозирча изчил текшириш мақсадида веб-саҳифани фаолиятини тўхтатиб турибди ва обуначиларни вақтинча тўхтатиш борасида огоҳлантирган. Хакерлик ҳужуми ЕМБнинг ички тизимига ҳам, муҳим бозор ахбороти ҳам дахл қилмаган.



Агар 19 август куни бир доллар учун банклар 9 сомони 43 дирам берган бўлса, 20 август куни эрталаб 9 сомони 70 дирамга чикди.

ТОЖИКИСТОНДА ҲАМ АҚШ ДОЛЛАРИНИНГ РАСМИЙ КУРСИ БИРДАНИГА КЎТАРИЛИБ КЕТДИ

Тожикистон Миллий банки 20 август куни эрталаб ўз баёнотида доллар расмий курсининг кўтарилиши сабабларини тушунтирди. Хабарларга кўра, Америка валютасининг расмий ва "қора бозор"даги курсида катта фарқ бўлгани боис ҳам шу қарорга келинди.

Миллий банк маълумотида кўра, мана шу фарқ тўғрисида аҳоли валюта айирбошлашда банкларга мурожаат қилмасди.

"Мазкур вазиятни ҳал қилиш мақсадида айрим қўшимча чоралар кўрилиши тақозо қилинди. Жумладан, курс босимини пасайтириш ва амалдаги валюта таҳдидларини, шунингдек расмий ва норасмий курс ўртасидаги 2 фоизлик фарқни таъминлаш мақсадида АҚШ долларининг расмий курсини бир вақтнинг ўзида корректив қилишга қарор қилинди", — дея хабар беради бош молиявий регулятор.

Миллий банк ўз баёнотида тасдиқлашича, мамлакатда доллар тақчиллиги сезилмоқда. Регулятор маълумотида кўра, шу каби вазият "манфаатдор томонларга" сомони девальвациялаш жараёнининг тезлашишига хизмат қилади.

Миллий банкнинг хабар қилишича, мамлакатда расмий ва норасмий курс ўртасидаги тафовут белгиланган меъёрдан озгина кўпроқ — 2,8 фоизга етади. Тожикистондаги бир неча тижорат банкларининг, жумладан "Эсхата" ва "Спитамен" банклари веб-сайтларида Америка долларининг сомони нисбатан янги курси — 9,70 дея кўрсатилган.


ЎЗА

ЯПОНИЯ ЭКСПОРТИ КАМАЙИБ КЕТДИ

Япония молия вазирлиги маълумотларига кўра Япония давлати экспорти июль ойида 1,6 фоизга тушиб кетди. Bloomberg таҳлилчилари эса бу кўрсаткич 2,3 фоизга етишини билдиришганди. Бу пасайиш 2015 йил ноябрь ойидан 2016 йилгача бўлган 14 ой муддатдаги энг чўзилган давр. Экспортнинг ярмини ташкил қилувчи Осиёга йўналтирилган экспорт июль ойида 8,3 фоизга тушиб кетган. Мамлакатнинг энг йирик савдо ҳамкори Хитойга экспорт 9,3 фоизга камайган. Бу кўрсаткич сўнгги 5 ойдири бир хилда турибди.

Хитойдан Японияга импорт эса 2,8 фоизга кўпайган. Япониядан АҚШга экспорт 8,4 фоизга ўсган бўлиб, буларни курилиш техникаси ва самолётлар ташкил этади.

Япониядан АҚШга бўлган экспорт 10 ой ичида ўсиш кузатилди. Шунингдек, АҚШдан Японияга импорт ҳам 3,5 фоизга кўпайган. Ўтган ойда Япониядан Европа Иттифоқига экспорт 2,2 фоизга ўсган. Июль ойида Япония импорти йиллик ҳисобга кўра 1,2 фоизга қисқарди. Ўтган ойда



Япония савдо баланси дефицити 249,6 млрд иен (2,35 млрд. АҚШ доллар)ни ташкил қилди.

АҚШ билан Хитой давлатлари ўртасидаги савдо тўқнашувлари Япония иқтисодиётига ҳам катта зарба берди.

Жанубий Корея билан Япониянинг савдо баҳслари келгуси савдо ҳамкорлигига қўшимча таҳдид солиши мумкин.

"Вести.Экономика"нинг хабар қилишича, Япония мо-

лия вазирлиги Жанубий Кореяни савдо ҳамкорлиги чегараланган мамлакатларнинг "оқ рўйхат"идан олиб ташлашни маслаҳат бермоқда. 28 августда бу қарор кучга киради. Жанубий Кореяга мол етказиши учун Япония олдида қатор маъмурий муаммоларни ечишга тўғри келади. Бу жараён ҳам узоқ вақтни талаб этиб, Япония молларининг Жанубий Кореяга экспорт қилиниши ортага чўзилади.

ХАБАРЛАР

БОЛАЛАР УЧУН ЎЗИГА ХОС САЁХАТ

“Ўзсаноатқурилишбанк” ходимлари фарзандлари учун муассаса Бош биносига экскурсия ташкил этилди. Бунда ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, келажакда касбни тўғри танлашга ундаш, қолаверса, болаларни ота-оналари фаолияти, иш шароити билан яқиндан таништириш ба-робарида улар ўртасидаги ўзаро муносабатларни мустақамлаш мақсади илгари сурилди.



Банк Бош офиси болажонлар руҳига мос безатилди. Уларни муסיқий ўйин-кулгулар билан турли эртак қаҳрамонлари қарши олди.

Даставвал, тадбир учун йиғилган 200 нафарга яқин бола эътиборига ватанпарварлик мавзусидаги мультфильм ҳамда Банк фаолияти, тарихи ҳақида тайёрланган видеоролик намойиш этилди.

Сўнгра улар кичик гуруҳларга бўлиниб, банкнинг қатор тузилмаларига ташриф буюришди. Жумладан, касса амалиётлари бўлимида болажонларни касса ходимлари кутиб олишиб, терминал, банкомат ва пул санаш ускуналари билан таништирди.

Пластик карталар тури, улардан фойдаланиш тартиби ҳақида тушунча берилди. Қалбаки пулларни ҳақиқийсидан ажратиш сирасорлари ўргатилди.

Бундан ташқари, болаларга омонат ва депозит ячейкаларининг аф-

залликлари, мақсадли кредитлар хусусида тушунча берилди.

Жажжи меҳмонлар ўз ота-оналарининг меҳнат шароитлари билан танишар экан, айниқса, уларда банкда йўлга қўйилган хавфсизлик чоралари, турникет ва видеокузатув камералари иши катта қизиқиш уйғотди.

Тадбирга Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат муסיқали театри жамоасининг бадиий чиқишлари ҳамда турли векторина ўйинлар янада мазмун киритди.

Байрам дастурхони ёзилди, кичкинтойларнинг сеvimли ширинлиги – музқаймоқ тарқатилди.

Тадбир сўнгида эса уларга ёрқин дизайндаги пластик карталар ва банк логотипи туширилган совғалар тақдим этилди.

Бир сўз билан айтганда, мазкур экскурсия ёзги дам олиш таътилида болажонларда энг ёрқин тадбирлардан бири сифатида катта таассурот қолдирди.

БАНҚДА УМУМХАЛҚ ХАЙРИЯ ҲАШАРИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 10 августдаги тегишли фармоишига асосан шу йилнинг 15-30 август кунлари мамлакатнинг барча ҳудудларида ободонлаштириш ва тозалик ойлиги деб эълон қилинди. Шунга кўра 17-18 август кунларидаёқ жойларда умумхалқ хайрия ҳашари бошлаб юборилди.

Халқимизнинг ноёб қадриятлари сингдирилган, хайрли анъанага айланиб бораётган бу тадбир мустақиллигимизнинг 28 йиллиги арафасида бутун мамлакат бўйлаб қулоч ёзмоқда. Анъаналарга содиқ мамлакатимиз банклари ҳам умумхалқ ҳашарига кўшилиб, юртимизнинг янада обод ва кўркам бўлишига ўз ҳиссаларини кўша бошлашди. Улар қаторида “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки жамоаси ҳам ушбу хайрли тадбирда фаол иштирок этди.

Барча банк ходимлари ўзи фаолият юритадиган бино теварак-атрофини тозалашди. Дов-даракларнинг ортиқча шохлари кесилиб, тартибга келтирилди. Шунингдек, банк биносининг ички томонлари ҳам саранжом-саришта қилинди.

Ҳашар туфайли банк биносига ўзгача фэйзга кирди.

Умумхалқ ҳашари нафақат жойларни саранжом-саришта қилади, балки инсонларнинг бир-бирига муносабатларини яхшилаб, меҳр улашади.

Банк Ахборот хизматлари

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР, “БАНК АХБОРОТНОМАСИ” ВА “БАНКОВСКИЕ ВЕСТИ” ГАЗЕТАЛАРИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

Сиз газетлага обуна бўлишга улгурмаган ёки қисқа муддатга обуна бўлган бўлсангиз, нашримизнинг расмий сайти – www.banknews.uz орқали шартномани тўлдириб, таҳририят манзилига юборишингиз мумкин.

“Ўзбекистон почтаси” ва “Матбуот тарқатувчи” агентлигининг ҳудудий бўлимлари орқали расмийлаштириш ёки фақат таҳририят билан шартнома тузган хусусий ташиқлотлар билан обунани ташкил этиш йил давомида газеталаримизни ўз вақтида олишингизни кафолатлайди.

ХУСУСИЙ ОБУНА АГЕНТЛИКЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси

“MATBUOT SERVIS” МЧЖ – (97-358-57-57)

Хоразм вилояти

“ЛИДЕР ПРЕСС” МЧЖ – (71-244-33-63)

Бухоро вилояти

“MATBUOT SERVIS” МЧЖ – (97-358-57-57)

Жиззах вилояти

“MATBUOT TONGI” МЧЖ – (91-599-58-98)

Навоий вилояти

“MATBUOT SERVIS” МЧЖ – (97-358-57-57)

Қашқадарё вилояти

“MATBUOT SERVIS” МЧЖ – (99-603-03-68)

Наманган вилояти

“MATBUOT SERVIS” МЧЖ – (99-603-03-68)

“MATBUOT SERVIS” МЧЖ – (90-532-93-39)

Сирдарё вилояти

“СИРДАРЁ МАТБУОТ ХИЗМАТИ” – (97-277-27-72)

Сурхондарё вилояти

“SURXON MATBUOT NASHRLARI” МЧЖ – (91-586-70-00)

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти

“KALEON INFORM” МЧЖ – (71-267-18-94)

“ЛИДЕР ПРЕСС” МЧЖ – (71-244-33-63)

“MATBUOT SERVIS” МЧЖ – (71-244-19-63)

“ТОШКЕНТ МАТБУОТ” – (97-156-22-77)

Самарқанд вилояти

“ТОШКЕНТ ЖАҲОН ЗИЁ” – (97-922-02-33)

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

Банк, бизнес ва иқтисодиёт соҳаларига доир батафсил маълумотларни фақат бизнинг газетамиздан ўқиш мумкинлигини унутманг!

Обуна бўйича мурожаат учун

Тел.:

(998) 71-232-45-32,
71-233-45-16.

Факс:

(998) 71-232-43-98.

E-mail:

info@banknews.uz

ОБУНА
ИНДЕКСИ – 102

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия
академияси

“Moliya yangiliklari agentligi” МЧЖ

Директор:
Ўқтам АБДУЛЛАЕВ

Бош мухаррир
Бобур МУҲАММАДИЕВ

Бош мухаррир ўринбосари
Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА

Директор: Ўқтам АБДУЛЛАЕВ
Тел: 99897 776 60 18
71 232 45 32
Факс: 71 232 43 98
Нашр индекси-102.

Ахборот кўмаги
ЎЗА, “Norma Hamkor” МЧЖ

Таҳририят манзили:

100060. Тошкент ш., Шаҳрисабз кўчаси,
23-уй e-mail: bankaxborotnomasi@mail.ru,
www.banknews.uz телеграм каналимиз
@bank_axborotnomasi

Чоп этишга тайёрловчи: “Moliya yangiliklari agentligi”
МЧЖ

Газета таҳририятининг техник ускуналарида
саҳифаланди.

Таҳририятнинг фақат ёзма розилиги билан “Банк ахборотномаси” да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилмайди. Қўлёзмалар тақриб қилинмайди ва қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган. Газета ҳафтада бир марта – пайшанба куни чиқади.

Буюртма № г 803
Адади 1848 нусха

Нарх шартнома асосида.

Газета А3 ҳажмида, 3 шартли босма табоқда чоп этилди.
Босишга рухсат этилди: 21.08.2019 й.,
1 2 3 4 5

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент ш. Буюк Турон кўчаси, 41-уй.